

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**317 Фарғона вилоят Театр-концерт саройи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2015 йилларда Фарғона шахрининг бош режасини амалга ошириш, ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини куриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 15 ноябрдаги ПҚ-1641-сон қарорига мувофиқ Фарғона шахрида бунёд этилган Санъат саройидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг Фарғона шаҳар Юксалиш кўчасида қурилган Санъат саройининг Фарғона вилоят Театр-концерт саройи сифатида фаолият олиб бориши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Фарғона вилоят Театр-концерт саройининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбек ва жаҳон мумтоз санъати анъаналарини, театр, мусиқа, рақс ва миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш ҳамда ўзбек халқининг бой маънавий меросини тараннум этувчи, миллий ва умумбашарий кадриятларни улуғловчи ёрқин сахна асарларини намойиш этиш орқали аҳолининг кенг қатламларини санъат усталари ва истеъдодли ёш ижрочиларининг ижодидан баҳраманд этиш;

халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғоя руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи ранг-баранг ижодий дастурлар орқали ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш;

давлат аҳамиятига молик муҳим тадбирлар, халқаро фестиваллар, кўрик-танловлар, конференциялар, ижтимоий-маданий анжуманлар ўтказиш.

3. Фарғона вилояти ҳокимлиги Фарғона вилоят Театр-концерт саройи биносининг белгиланган тартибда Фарғона вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфига ўтказилишини ҳамда ундан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Фарғона вилоят Театр-концерт саройини молиялаштириш саройнинг фаолиятдан олинадиган даромадлар, шунингдек ҳомийлар маблағлари ва давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

5. Фарғона вилояти ҳокимлиги:

бир ой муддатда Фарғона вилоят Театр-концерт саройининг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Фарғона вилоят Театр-концерт саройининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни зарур махсус асбоб-ускуналар, хавфсизликни таъминловчи техник воситалар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Фарғона вилоят Театр-концерт саройи фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағларнинг 2014 йил учун Фарғона вилояти маҳаллий бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида ажратилишини таъминласин, 2015 йилдан бошлаб мазкур маблағларни Фарғона вилояти маҳаллий бюджети параметрларида назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

ўн кун муддатда Фарғона вилоят Театр-концерт саройи тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки hafta муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда Фарғона вилоят Театр-концерт саройининг штатлар жадвалини, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартларини тасдиқласин;

Фарғона вилоят Театр-концерт саройини доимий равишда малакали ходимлар билан таъминлаб борсин ҳамда унинг самарали фаолият юритишини ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Фарғона вилоят Театр-концерт саройининг даромадлари шакллантирилиши, маблағлардан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши устидан мунтазам назоратни амалга оширсин;

Фарғона вилоят Театр-концерт саройи фаолияти учун зарур бўлган 2 (иккита) автотранспорт, шу жумладан 1 (битта) махсус автотранспорт таъминоти учун лимит ажратсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 июнь,
170-сон